

Д.Р.Маматурдиева,  
катта илмий ходим-изланувчи, ТДИУ

## АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ

*В статье раскрываются вопросы связанные с возможностью повышения уровня занятости и процесса формирования рынка труда Андижанской области, и даны предложения по созданию новых рабочих мест по организации переработки сельскохозяйственных продукции, также содействия занятости выпускников средне-специального образования, особенно молодёжи сельской местности рынка труда Андижанской области.*

*The article deals with issues related to the possibility of increasing the level of employment and the process of formation of the labor market in Andijan region, and present a proposal for the creation of new jobs for the organization of the processing of agricultural products, the promotion of employment graduates of secondary education, especially rural youth labor market in Andijan region.*

**Калитли сўзлар:** меҳнат бозори, битирувчи, бандлик, ўрта махсус, касб-хунар, қишлоқ меҳнат бозори, ишлаб чиқариш, иш билан бандлик дастури.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг шаклланиш жараёни меҳнат ресурслари жадал суръатларда ўсиб бориш хусусиятлари билан ажралиб туради. Меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, меҳнат бозори мамлакат иқтисодиётининг таркибий қисми бўлиб, барча иқтисодий ўзгаришлар унда ўз ифодасини топади.

Мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида меҳнат бозорига талаб ва таклиф мувозанати муҳим касб этади. Бу мувозанат аҳолини иш билан банд этишнинг умумиқтисодий муаммоси ҳам ҳисобланади. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанати маълум давр оралиғида ишлаб чиқариш кўлами, унинг тараққиёт даражаси ҳамда меҳнат ресурсларининг сони, уларнинг таркиби, малакаси ва иқтисодий фаоллигига боғлиқ. Бу мувозанат иш ҳақининг даражаси ва истеъмол бозоридаги нарх-навоининг ўзгаришига, банк, пул-кредит, солиқ ва молия тизимларнинг ишлаб чиқаришни рағбатлантиришига боғлиқдир[1].

Аввало таъкидлаш лозимки, меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши меҳнатга ҳақ тўлаш ва иш билан бандлик сиёсатини самарали амалга оширишда янги босқич ҳисобланади. Аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг асосий масалаларидан биридир. Аҳолининг иш билан бандлик даражаси ортиши мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларининг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатади. Чунки аҳоли иш билан бандлигининг ортиши натижасида иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасида ихтисослашув ҳамда самарадорликка эришилади.

Аҳолини иш билан бандлик даражасини ошириш, унинг такрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Чунки кишиларнинг турмуш даражаси ва сифати, жамиятнинг кадрлар танлаш, тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, меҳнат билан бандлик даражасини ошириш, ишсизларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш учун сарф қиладиган чиқимлари аҳолининг иш билан бандлик даражаси ошишига боғлиқ. Иш билан бандлик инсон ижтимоий камолотининг энг муҳим томонларидан бири ҳисобланиб, меҳнат соҳасидаги ва меҳнат билан боғлиқ барча эҳтиёжларни қондиришга алоқадордир.

Республикамизда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва янги ишчи ўринларини ташкил қилишда анъанавий тарзда қабул қилиниб, ижро этиб келинаётган иш ўринларини ташкил этиш ва аҳолини иш билан бандлигини ошириш дастури муҳим роль ўйнамоқда. Дастурдан кўзланган мақсад аҳолининг турмуш даражасини, сифати ва фаровонлигини янада яхшилаш учун жорий шарт-шароитларни яратиш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишдан иборатдир.

Давлатимизнинг иш билан бандлик дастурига кўра, ҳудудий меҳнат бозорларининг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устуворликлари ва истиқболлари ҳисобга олиниб, аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш, уларни янги яратилган иш ўринларига жойлаштириш, бу борада фаол чораларни кўришдан иборат вазифалар кўзда тутилган. Алоҳида таъкидлаш керакки, республикамизда аҳолининг иш билан бандлигини ошириш, янги ишчи ўринларини яратиш масалалари иқтисодиётимизнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларининг сақлаб қолиниши ва истиқболдаги прогнозларига мутаносиб ҳолда ҳал қилиб борилмоқда[2].

Аҳолининг ўзига мос янги иш ўринлари билан бандлик даражасини ошириш, мақсадга мувофиқ иш билан бандлик таркибини шакллантириш ижтимоий-иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга муҳим ижтимоий вазифани бажариб, сўнгги йилларда Ўзбекистонда аҳолига янги иш ўринларини яратиш, хизмат кўрсатиш соҳалари, касаначилик, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш асосида янги иш ўринларини ошириш масаларига энг устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Дастур орқали яна бир муҳим вазифа-ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари битирувчиларини меҳнат билан бандлик даражасини ошириш ҳисобланади. Хусусан, Андижон вилоятида ҳозирги кунда 117 ўрта махсус, касб-ҳунар коллежлари фаолият юритмоқда. Ушбу дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини сифатли тайёрлаш ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш юзасидан ҳудудий дастурнинг бажарилишида меҳнат билан бандлик даражасини ошириш бўйича мониторинг ташкил этилган (1-жадвал).

Андижон вилоятида 2003-2004 ва 2013-2014 ўқув йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар коллеж битирувчиларининг меҳнат билан бандлик даражасини ошириш бўйича олиб борилган мониторинг натижаларига кўра, 2003-2004 ўқув йилида ўрта махсус, касб-ҳунар коллеж битирувчиларининг иш билан бандлиги

таъминланганлар сони 12685 нафарга ёки 90,5 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2004-2005 ўқув йилида 11765 нафарни ёки 14945 нафар битирувчиларга нисбатан 78,7 фоизни ташкил этган. Ўтган ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланганларга нисбатан эса 11,8 фоизга камайган. 2005-2006 ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланганлар сони 9520 нафар ёки 14978 нафар битирувчига нисбатан 63,6 фоизни ташкил этган. Ўтган ўқув йилдаги кўрсаткичга нисбатан 15,2 фоизга пасайган. 2006-2007 ўқув йилида эса иш билан бандлиги таъминланганлар сони 12620 нафар ёки 19708 нафар битирувчига нисбатан 64,0 фоизни ташкил этган.

### 1-жадвал

#### Андижон вилоятида 2003-2014 йиллар давомида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг иш бандлик даражаси тўғрисида маълумот (нафар)

№	Ўқув йиллар	Битирувчилар сони	Бандлиги таъминланган битирувчилар сони	%
1	2	3	4	5
1.	2003-2004	14019	12685	90,5
2.	2004-2005	14945	11765	78,7
3.	2005-2006	14978	9520	63,6
4.	2006-2007	19708	12620	64,0
5.	2007-2008	25136	21033	83,7
6.	2008-2009	31729	26755	84,3
7.	2009-2010	33544	29028	86,5
8.	2010-2011	37682	33149	88,0
9.	2011-2012	47025	43766	93,1
10.	2012-2013	47144	40013	84,9
11.	2013-2014	46370	33892	73,1

**Манба:** Андижон вилояти ҳокимлиги ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармасининг йиллик ҳисобот кўрсаткичлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бу кўрсаткич аввалги ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланган ўрта махсус касб-хунар коллеж битирувчиларига нисбатан 0,4 фоизга ошган. 2007-2008 ўқув йилига келиб, 21033 нафар ёки 25136 нафар битирувчилар сонига нисбатан 83,7 фоизни ташкил этган. 2007-2008 ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланганлар сони 2006-2007 ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланган битирувчиларга нисбатан 19,7 фоизга ортганлигини кўришимиз мумкин. 2008-2009 ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланганлар сони 26755 нафарни ёки 31729 нафар битирувчига нисбатан 84,3 фоизни ташкил этган. Аввалга ўқув йилига нисбатан эса 0,6 фоизга кўпайган. 2009-2010 ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланганлар сони 29028 нафарни ёки 33544 нафар битирувчига нисбатан 86,5 фоизни ташкил этган. 2010-2011 ўқув йилида иш билан бандлиги таъминланганлар сони 33149 нафарни ёки 37682 нафар битирувчига нисбатан 88,0 фоизни ташкил этган.

Андижон вилоятида 2011-2012 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчилари сони 47025 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан

43766 нафар ёки 93,1 фоиз битирувчиларнинг иш билан бандлиги таъминланган ҳамда иш билан бандлиги таъминланмаганлар 6,9 фоизни ташкил этган. 2012-2013 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчилари сони 47144 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан 40013 нафар ёки 84,9 фоиз битирувчиларнинг иш билан бандлиги таъминланган ҳамда иш билан бандлиги таъминланмаганлар 15,1 фоизни ташкил этган. 2013-2014 ўқув йилида ўрта махсус, касб-хунар коллежлари битирувчилари сони 46370 нафарни ташкил этган бўлиб, шундан 33892 нафар ёки 73,1 фоиз битирувчиларнинг иш билан бандлиги таъминланган ҳамда иш билан бандлиги таъминланмаганлар 26,9 фоизни ташкил этган.

Демак, 2004-2005 ўқув йилидан 2011-2012 ўқув йилига қадар битирувчиларнинг иш билан бандлиги ортиб борган. 2013-2014 ўқув йилига келиб эса 73,1 фоизни ташкил этган. Битирувчиларнинг меҳнат билан бандлик даражасини ошириш борасида корхона ва ташкилотлар билан ижтимоий шерикликни янада такомиллаштириш, битирув малакавий амалиётларни ишлаб чиқариш корхоналарида ўташи учун барча зарур шароитларни яратиб бериш, ташкилотларнинг фаолияти юзасидан битирувчиларга маълумотлар банкни етказиб бериш зарур.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “Аҳоли бандлигини таъминлаш, аввало, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлиари битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича зарур шароитлар яратиш ижтимоий сиёсатимизнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тараққий эттиришни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш натижасида 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилгани айниқса эътиборлидир. Ўтган йилда мамлакатимиз таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди.

Шуниси қувонарлики, ёшларимизнинг аксарият катта қисми ўз келажагини кичик бизнесда кўрмоқда. Ўзингиз ўйланг, бир йилнинг ўзида шунча ёшларимизни, ўзимизнинг фарзандларимизни ҳаётда ўз ўрнини топиши учун шароит яратиб, қўллаб-қувватлаганимиз бизнинг энг катта ютуғимиз эмасми?”[3] -деган сўзларининг исботи сифатида, Андижон вилояти мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим ўрин тутиб, иқтисодий салоҳияти жиҳатидан ўзига хос ўринга эга вилоят ҳисобланади. Вилоят аҳолисининг катта қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Меҳнатга қобилиятли иш билан банд бўлмаган қишлоқ ёшларининг малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги уларнинг яшаш жойларидан шаҳарга ва хорижий давлатлар объектларига қараб ҳаракат қилишларига асосий тўсиқ бўлмоқда.

Қишлоқ жойларида қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги нисбатни таъминлаш учун кўп имкониятлар мавжуд. Қишлоқда меҳнатга лаёқатли ёшдагилар ичида хотин-қизларни иш билан бандлик даражасини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки паст малакали ёш аёл ишчи кучи қишлоқ меҳнат бозорида тенг рақобат қила олмайди.

Қишлоқда ёш аёллар ишсизлигининг ўсиши кўпгина сабаблар билан изоҳланади. Улардан энг муҳимлари, биринчидан, аёл меҳнатини қўллаш учун иш жойларининг етишмаслиги, иккинчидан, қишлоқ хўжалиги ишларида қўл меҳнати салмоғининг юқорилиги, учинчидан, уларнинг малака даражаси ва сафарбарлигининг пастлиги. Бу қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган меҳнат билан бандликни мураккаблаштиради. Шунинг учун қишлоқ меҳнат бозорида аёл ишчи кучига талаб эркакларга нисбатан анча камлигини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ жойларида аёлларнинг иш билан банлигини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўтказиш лозим.

У ўз ичига кўп болали ва ёш қизлар учун янги кафолатланган иш жойларини яратиш, аёлларни болага қараш давридан кейин касбий мослаштириш ва ишлаб чиқаришга қайтариш, боласи бор аёллар малакасини ошириш учун махсус курслар ташкил этиш, аёл меҳнати шароитини яхшилаш учун сармоялар жалб қилишни рағбатлантириш каби тадбирларни камраб олиши керак. Қишлоқ меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, баъзи ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий меҳнат можароларини ҳал этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллайди.

Меҳнатга лаёқатли қишлоқ ёшларининг меҳнат билан бандлиги шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ислохотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар қишлоқ хўжалигидан ортиқча ишчи кучини оммавий озод бўлиши ва уларни қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ҳамда шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига оқиб ўтиши ходимлар захиралари шаклланиши ва қайта тақсимланиши жараёнини белгилайди.

Андижон вилояти меҳнат бозорининг шаклланиш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги таклифларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнат бозоридаги янги йўналишни ҳисобга олган ҳолда, ёшлар, айниқса, қишлоқ жойларидаги ёшлар, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг меҳнат билан бандлик даражасини оширишга кўмаклашиш;

- ёшларнинг ишлаб чиқариш, кичик бизнес ва тадбиркорликдаги ўрнини ошириш, уларнинг меҳнатидан унумли фойдаланиш;

- иқтисодиётнинг таркибий тузилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини ташкил қилиш, такомиллаштириш орқали кўшимча янги иш ўринларини яратиш. Бунинг учун инвестиция фаоллигини,

иқтисодиётни микродаражада барқарорлаштириш асосида ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур;

- давлат томонидан аҳолининг иш билан бандлик даражасини оширувчи барча тадбиркорлик турлари, кичик бизнеснинг ривожланиши, миллий халқ ҳунармандчилигининг тикланиши, касаначилик билан шуғулланувчиларга кўмак бериш;

- янги иш жойларини касаначиликда янада кўпроқ яратиш, уй якка тартибдаги меҳнат фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишни йўлга қўйиш;

- иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодиётни модернизациялаш давр талабларига жавоб берувчи иш жойларини яратиш;

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги инфратузилма ҳамда қишлоқ жойларида меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш учун маиший хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш ва ривожлантириш.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Усманова Н.Ю., Расулова Н.Н. Меҳнат бозорини ривожлантириш йўллари // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон миллий университети. 2012 йил 20 апрел, 45-46 бетлар.

2. Мажидов Н.М., Суюнова Д. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги ишчи ўринларини ташкил қилиш мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг устувор йўналиши ва энг муҳим шарти // Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Ўзбекистон миллий университети. 2012 йил 20 апрел, 13-14 бетлар.

3. Каримов И.А. 2015 йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир // Халқ сўзи, 2015 йил 17 январь.